

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 11-mart • Payshanba • 29 (30.149) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## БАРКАМОЛ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Президент Ислам Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2009 йилдаги фаолиятини атрофлича таҳлил этиш ва галдаги вазифаларни белгилаб олиш лозимлигини таъкидлади.

Баркамол авлод орзуси — энг буюк орзу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орзуси бу. Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб харақатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси муҳимдир.

Мустақиллик йилларида эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Узлуксиз таълимнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ва бугун ўз самарасини бераётган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Баркамол авлод деганда аввало соғлом наслини тушунамиз. Шу боис ўтган йиллар мобайнида ёшларимизда нафақат юксак интеллектуал салоҳият, мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантиришга, балки уларни жисмонан чиниктиришга, оммавий спортни ривожлантиришга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқлари-

да ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чоратadbirlari тўғрисида»ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Ислам Каримов аввало ушбу жамғарманинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, дунёнинг ҳеч бир мамлакатидан бундай ташкилот йўқлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўта ноёб тузилма бўлиб, айна пайтда қатор мамлакатлар уни қимматли тажриба сифатида ўрганмоқда.

Мажлисда спорт иншоотлари барпо этиш, мактабларда спорт заллари қуриш, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, Президент Ислам Каримов болалар спортини ривожлантиришнинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратди.

— Спорт ёш авлодга соғсаломат, бардам-бақувват, хурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқро майдондаги обрўини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗХДП: устувор вазифалар



Абдиқасим ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## Ижроия қўмита йиғилишида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзолари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда, шунингдек, минтақавий партия кенгашлари раҳбарлари, Марказий Кенгаш экспертлари иштирок этдилар.

Йиғилишда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган йиғилишидаги маърузаларида илгари сурилган гоялардан келиб чиқиб, партиянинг сайловолди дастурий мақсадларини бажаришга қаратилган Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокама этилди.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Фуломов ушбу масала юзасидан сўз юритар экан, бундай дастур партиямизда илк

бор қабул қилинаётганини таъкидлади. Шунингдек, ҳужжатда партия ташкилотлари, депутатлик тузилмаларининг амалга оширадиган энг муҳим ишлари, вазифалари, йўналишлари белгилангани, уларнинг ижрочилари ва бажарилиш муддатлари аниқ кўрсатилганига эътибор қаратди.

Ижроия қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида партиянинг 2009 йил сайловларида иштироки яқунлари ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидландики, 2009 йилда сиёсий партиялар ўртасида кескин рақобат, кураш шароитида ўтган сайловлар натижаларига кўра, ЎЗХДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракциясини ва маҳаллий Кенгашларда де-

путатлик гуруҳларини шакллантириш учун етарли вакилларига эга бўлди. Бу эса парламент ва депутатлик фаолияти воситасида дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун салмоқли ташкилий салоҳиятга эга бўлди, деганидир.

Шунингдек, йиғилишда партиянинг 2009 йил бюджетни ижроси ва 2010 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди.

Ижроия қўмита кўриб чиқилган масалалар юзасидан ҳамда бугун бўладиган ЎЗХДП Марказий Кенгашининг II пленумини ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.


Бехоҳ ШУКУРОВ

### Мақсадга мос фаолият




2

### Мобиль телефон тақиқланади



3

### Кўкнорихаёл



4

✓ Кейинги уч йил мобайнида санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 273 нафар ўқувчи ва талабамиз голибликка эришиши ва уларнинг 153 нафари қизлардир.

### Муносабат

## Аёлга чинакам эҳтиром

Ҳамма замонларда ҳам аёл зоти муқаррам ва муътабар саналиб келинган, унинг шаъни, ор-номуси қадрланган. Айниқса, Шарқ халқларида, хусусан, мамлакатимизда онага, онасингилга, қиз фарзандга алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатилиб келинади.

Бироқ яқин ўтмишда хотин-қизларга «ғам-хўрлик» фақат қоғозларда бўлди. Оғир меҳнатдан, турмушдан аёлларимиз кўп азият чекишгани сир эмас. Мустақиллик йилларида эса биз аёлларга қадим қадриятларимизга мос ва хос чинакам ҳурмат-иззат, қадр кўрсатила бошланди. Жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, булар ҳақида узоқ гапириш, кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин.

2-бет >>>

## 1 САВОЛГА ЖАВОБ



Зулҳумор ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон ХДП Янгийўл туман кенгаши раиси ўринбосари:

### Электоратни таъшишлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этишда БПТнинг ўрни қандай бўлиши керак?

— Партиянинг қуйи бўғини бўлган бошланғич ташкилот унинг асосий устунидир. У қанча мустақам бўлса, партия фаолияти ҳам шунчалик самарали бўлади.

Электоратимизни ўйлантираётган муаммоларни ўрганишда, аввало, унинг сабабларини чуқур таҳлил этиш муҳим. Агар қонунлар ва давлат қарорлари қониқарсиз бажарилаётган бўлса, дарҳол бошланғич ташкилотлар оёққа туриши зарур. БПТ ташаббуси билан масала маҳаллий Кенгаш депутатлик гуруҳида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар кўриб, сессиялар кун тартибига киритилса, мақсадимиз амалга ошади.

Бошланғич ташкилот фаолияти изчил йўлга қўйилса, электорат манфаати билан боғлиқ масалаларни ич-ичидан ўрганиш кучаяди.

Демак, ишни шундай йўлга қўйиш керакки, бошланғич ташкилот ижтимоий-сиёсий ҳаёт таҳлилини ўтказадиган, тегишли масалалар юзасидан ўз тақлифларини мунтазам бериб борадиган таянчга айлансин.

## Тинчлик, осойишталик, хавфсизлик

### барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омилidir

Анчадан буён бир савол ҳаёлимизга айланади. Қисқа муддат ичига ёш давлат ўсиб-улғайиши ва муваффақиятга эришиши мумкинми? Албатта, мумкин. Мамлакатимиз тажрибаси шунақан далолат беради. Бугун биз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда бундан йигирма йил аввал тасаввур қилиш қийин бўлган ютуқларга эришдик. Эндигина мустақилликни қўлга киритган вақтда ҳолат қанадай эди? Бугун-чи? Умуман, таққослаб бўлаамиз?



3-бет

### Дунё бўйлаб

Лондон	—	3°C
Париж	—	-2°C
Москва	—	-8°C
Мадрид	—	-1°C
Пекин	—	7°C
Гонконг	—	12°C
Рим	—	8°C
Анкара	—	4°C
Токио	—	9°C
Стокгольм	—	-1°C
Кейптаун	—	19°C
Қоҳира	—	18°C
Гавана	—	19°C
Вашингтон	—	10°C
Нью Йорк	—	9°C

### 11 март об-ҳавоси



### Юртимизда

Тошкент	—	15°C
Самарқанд	—	14°C
Нукус	—	9°C
Қарши	—	17°C
Ургач	—	10°C
Навоий	—	13°C
Ферғона	—	14°C
Бухоро	—	13°C
Андижон	—	14°C
Наманган	—	14°C
Термиз	—	18°C
Жиззах	—	13°C
Сирдарё	—	13°C
Тошкент вил.	—	14°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган





